# Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларининг бюджет ҳуқуқлари тўғрисида

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

**16-модда.** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан Ўзбекистон ССР Давлат бюджети лойиҳасини тузиш юзасидан белгилаб қўйиладиган тартибга ва муддатларга мувофиқ келгуси йил учун Ўзбекистон ССР Давлат бюджети лойиҳасини тузиш мақсадида:

а) Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари планлаштирилаётган йил учун Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани, Қорақалпоғистон АССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани лойиҳаларига ҳамда областлар ва Тошкент шаҳрини иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари лойиҳаларига киритилган кўрсаткичлар асосида Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджети, областлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг лойиҳаларини тузиб, уларни кўриб чиқмоқ ҳамда Ўзбекистон ССР Давлат бюджети лойиҳасига киритмоқ учун Ўзбекистон ССР Молия министрлигига тақдим этадилар;

б) Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари планлаштирилаётган йил учун Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани лойиҳасида кўзда тутилган топшириқлар асосида молия планлари ва сметалари лойиҳаларини тузиб чиқиб, уларни Ўзбекистон ССР республика бюджети лойиҳасини тузиш учун Ўзбекистон ССР Молия министрлигига тақдим этадилар;

в) Ўзбекистон ССР Молия министрлиги олдиндан қуйидагиларни:

Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджети, областлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг лойиҳаларини Қорақалпоғистон АССР, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетларининг вакиллари иштирокида;

Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идораларнинг молия планлари ва сметалар лойиҳаларини — уларнинг вакиллари иштирокида кўриб чиқади.

Мазкур лойиҳаларни кўриб чиқиш чоғида Ўзбекистон ССР Молия министрлиги:

Ўзбекистон ССР республика бюджет лойиҳасини тузади; Ўзбекистон ССР республика бюджети, Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджети, областлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг лойиҳалари асосида Ўзбекистон ССР Давлат бюджети лойиҳасини тузиб, уни Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этади.

**17-модда.** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети СССР Давлат бюджетида Ўзбекистон ССР Давлат бюджети учун кўзда тутилган кўрсаткичларга мувофиқ ҳолда тузилган Ўзбекистон ССР Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон ССР Олий Советига қуйидагиларни:

а) Ўзбекистон ССР Давлат бюджетини — асосий даромад манбаини кўрсатган ҳолда даромадларнинг умумий суммасида ва халқ хўжалигини, социал-маданий тадбирларни, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини, судлар ва нотариал контораларни таъминлаш учун ажратиладиган пул маблағларини кўрсатган ҳолда харажатларнинг умумий суммасида;

б) Ўзбекистон ССР республика бюджетини — асосий даромад манбаларини кўрсатган ҳолда даромадларнинг умумий суммасида ва халқ хўжалигини, социал-маданий тадбирларни, давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органларини, судлар ҳамда нотариал контораларни Ўзбекистон ССР республика бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминлаш учун сарфланадиган харажатларнинг асосий турларини кўрсатган ҳолда, шунингдек Ўзбекистон ССРнинг айрим министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари бўйича бюджетга тўловларни ва бюджетдан ажратиладиган маблағларни тақсимлаган ҳолда харажатларнинг умумий суммасида;

в) Ўзбекистон ССР Давлат бюджетига кирувчи Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджетини, областлар ва Тошкент шаҳри бюджетларини;

г) Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджетига, областлар ва Тошкент шаҳри бюджетларига Умумиттифоқ давлат солиқларидан ва даромадларидан ва бошқа даромадлардан ажратиладиган маблағлар миқдори ҳақидаги таклифларни;

д) Ўзбекистон ССР республика бюджети, Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджети ва ҳар қайси область ҳамда Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари бўйича касса оборотидаги нақд пул миқдори ҳақидаги таклифларни тақдим этади.

**18-модда.** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамаси учун тақдим этилган Ўзбекистон ССР Давлат бюджети Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссияларида олдиндан кўриб чиқилади.

**19-модда.** Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялари:

а) Ўзбекистон ССР Давлат бюджетини кўриб чиқиш чоғида Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идораларининг ўз молиявий планлари ва сметалари бўйича докладларини, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетларининг тегишли бюджетларининг даромадлари ва харажатлари бўйича докладларини тинглайдилар, шунингдек Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетларининг Ўзбекистон ССР Давлат бюджети даромадлари ва харажатларига ўзгартишлар киритишга оид таклифларини кўриб чиқадилар;

б) Ўзбекистон ССР Давлат бюджети бўйича хулоса тайёрлаб, Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдим этадилар.

**20-модда.** Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг доклади бўйича, Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялари хулосалари ҳамда қўшимча докладлари асосида Ўзбекистон ССР Давлат бюджетини кўриб чиқади, шунингдек Ўзбекистон ССР Давлат бюджетини муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари киритган таклифларни қараб чиқади.

**21-модда.** Ўзбекистон ССР Олий Совети:

а) Ўзбекистон ССР Давлат бюджетини асосий даромад манбаларини кўрсатган ҳолда даромадларнинг умумий суммасида ва халқ хўжалиги, социал-маданий тадбирларни, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларини, судлар ва нотариал контораларни таъминлашга ажратиладиган пул маблағларини кўрсатган ҳолда харажатларнинг умумий суммасида;

б) Ўзбекистон ССР республика бюджетини даромадлар ва харажатларнинг умумий суммасида;

в) Умумиттифоқ давлат солиқлари ва даромадларидан ҳамда бошқа даромадлардан Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджетига, ҳар бир областнинг ва Тошкент шаҳрининг бюджетларига бериладиган ажратмалар миқдорини;

г) Ўзбекистон ССР республика бюджети бўйича касса оборотидаги нақд пул миқдорини тасдиқлайди.

Ўзбекистон ССР Давлат бюджетида Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджети, область ва Тошкент шаҳар бюджетлари ҳар бир бюджет бўйича алоҳида-алоҳида, даромадларнинг умумий суммасида ва харажатларнинг умумий суммасида белгилаб қўйилади, шунингдек мазкур бюджетлар бўйича касса оборотидаги нақд пул миқдори белгиланади.

**22-модда.** Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Давлат бюджетини тасдиқлаш чоғида СССР Давлат бюджетида Ўзбекистон ССР учун белгиланган даромадларнинг умумий суммаси билан харажатларнинг умумий суммасини кўпайтириши мумкин, лекин бунда Ўзбекистон ССР Давлат бюджети учун СССР Давлат бюджетида назарда тутилган Умумиттифоқ давлат солиқлари ва даромадларидан ажратмалар миқдори ўзгартирилмайди.

**23-модда.** Ўзбекистон ССР Давлат бюджети тасдиқланганидан кейин СССР Қонун актлари ва Ўзбекистон ССР Қонун актлари ёки СССР Министрлар Совети қарорлари ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарорлари чиқарилиб, уларга мувофиқ Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджети, областларнинг ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари харажатлари кўпайтирилса ёки даромадлари камайтирилса, у ҳолда Ўзбекистон ССР Давлат бюджетини ижро этиш жараёнида мазкур бюджетлар бўйича маблағлар Ўзбекистон ССР республика бюджетидан ундириб олинади; Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджети областлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари харажатлари камайтирилган ёки даромадлари кўпайтирилган тақдирда тегишли суммалар бу бюджетлардан Ўзбекистон ССР республика бюджетига ўтказилади.

**24-модда.** Ўзбекистон ССР Давлат бюджети тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни умум эътибори учун эълон қилинади

**25-модда.** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Давлат бюджети ижросини Ўзбекистон ССР Молия министрлиги, Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитетлари орқали ташкил этади.

Ўзбекистон ССР Молия министрлиги, Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитетлари бюджет бўйича кўзда тутилган барча даромадлар бажарилишини, бюджет маблағлари фақат ўз мақсади йўлида тежаб-терғаб ҳамда ишлаб чиқариш ва молия планларининг бажарилишига қараб сарфланишини таъминлайдилар.

Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг касса бўйича ижросини СССР Давлат банкининг Ўзбекистон республика конторасии ва унга бўйсунувчи конторалар ҳамда бўлинмалар амалга оширадилар.

**26-модда.** Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон ССР Молия министрлиги томонидан тузилиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгилаб қўйиладиган тартиб ва муддатларда Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этилади.

**27-модда.** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига ҳисобот тақдим этади.

**28-модда.** Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялари Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқадилар, бу ҳисобот юзасидан хулоса тайёрлайдилар ва уни Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдим этадилар.

**29-модда.** Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг доклади, Ўзбекистон ССР Олий Совети План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссияларининг хулосалари ва қўшимча докладлари бўйича Ўзбекистон ССР республика бюджетининг, Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджетининг, областлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳам ўз ичига олган Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақидаги қарори умум эътибори учун эълон қилинади.

**30-модда.** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдим этилган Ўзбекистон ССР Давлат бюджетини ва Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни дастлабки суратда қараб чиқиш, Ўзбекистон ССР Давлат бюджети ва Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан хулосалар тузиш ва Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдим этишлари Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялари томонидан ушбу Қонунда, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг регламенти ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари тўғрисидаги Низомда кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

**31-модда.** Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг ижросини Ўзбекистон ССР Молия министрлиги СССР ва Ўзбекистон ССР Қонунлари билан белгиланган тартибда контрол қилиб боради.

**32-модда.** Ўзбекистон ССР Давлат бюджетини ижро этиш чоғида олинган қўшимча даромадлар, шунингдек даромадларни ошириб бажариш ёки харажатларни тежаш натижасида йил охирида ҳосил бўлган даромадларнинг харажатлардан ортиқча суммаси Ўзбекистон ССР ихтиёрида қолиб, СССР ва Ўзбекистон ССР Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари томонидан халқ хўжалигини, социал-маданий тадбирларни ва бошқа харажатларни, шу жумладан капитал маблағларни ҳам пул билан таъминлаш учун сарфланади.

«ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг бюджет ҳуқуқлари тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ Ўзбекистон ССР Давлат бюджети бўйича давлат капитал маблағларини пул билан таъминлаш учун ажратилиб фойдаланилмай қолган маблағларни сарфлаш тартиби СССР Министрлар Совети томонидан белгиланади, посёлка, қишлоқ ва овул бюджетлари бўйича давлат капитал маблағлари учун фойдаланилмай қолган ажратмалар бундан мустасно бўлиб, улар халқ депутатлари посёлка, қишлоқ ва овул Советлари ихтиёрида қолади.

Социал-маданий муассасалар тармоғини ривожлантириш плани бажарилмаганлиги сабабли фойдаланилмай қолган маблағларни сарфлаш тартиби область ва Тошкент шаҳар бюджети бўйича Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан; район, шаҳар, шаҳардаги район Совети бўйича эса — халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети томонидан белгиланади, посёлка ва қишлоқ бюджетлари бўйича социал-маданий муассасалар тармоғини ривожлантириш плани бажарилмаганлиги муносабати билан фойдаланилмай қолган маблағлар бундан мустасно бўлиб, улар халқ депутатлари посёлка ва қишлоқ Советлари ихтиёрида қолади.

Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджети таркибига кирган маҳаллий бюджетлар бўйича социал-маданий муассасалар тармоғини ривожлантириш плани бажарилмаганлиги муносабати билан фойдаланилмай қолган маблағларни сарфлаш тартиби Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети томонидан белгиланади, посёлка ва овул бюджетлари бўйича социал-маданий муассасалар шохобчаларини ривожлантириш плани бажарилмаганлиги муносабати билан фойдаланилмай қолган маблағлар бундан мустасно бўлиб, улар халқ депутатлари посёлка ва овул Советларининг ихтиёрида қолади.

### III БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН ССР РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИ

**33-модда.** Ўзбекистон ССРнинг республика бюджети иқтисодий ва социал ривожланиш соҳасидаги умумреспублика аҳамиятига молик тадбирларни зарур пул маблағлари билан таъминлайди. Ўзбекистон ССР республика бюджети орқали Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри ўртасидаги молия ресурсларининг бир қисми улар экономикасини ҳар томонлама ривожлантириш, Ўзбекистон ССР халқлари моддий фаровонлиги ва маданий турмуш даражасини оширишни таъминлаш мақсадида қайта тақсимлаб чиқилади.

**34-модда.** Ўзбекистон ССР республика бюджетига қуйидаги даромадлар киритилади:

а) республика (Ўзбекистон ССР)га бўйсунувчи давлат корхоналари ва хўжалик ташкилотларининг фойдаларидан тўловлар;

б) ўрмонлардан келадиган даромад, колхозлардан олинадиган даромад солиғи, шунингдек кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларидан олиниб, уларнинг республика (Ўзбекистон ССР) органлари ва шу органлар қарамоғидаги корхоналар ва ташкилотлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

в) қишлоқ хўжалик солиғи;

г) аҳолидан олинадиган даромад солиғидан 50 процент миқдоридаги ажратмалар;

д) давлат ички ютуқли заёмларини сотишдан тушган пуллардан 50 процент миқдоридаги ажратмалар;

е) Ўзбекистон ССР Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон ССР республика бюджетига бериладиган бошқа даромадлар.

Ўзбекистон ССР республика бюджетига, ушбу моддада кўзда тутилган даромадлардан ташқари, яна қуйидаги даромадлар киритилади:

а) пенсия тўлашга ажратиладиган давлат социал страхованиеси маблағлари;

б) оборот солиғидан ва бошқа Умумиттифоқ давлат солиқлари ва даромадларидан Ўзбекистон ССР Давлат бюджетида кўзда тутилган миқдорда ажратиладиган маблағлар.

**35-модда.** Ўзбекистон ССР республика бюджетига қуйидаги харажатлар киритилади:

а) республика (Ўзбекистон ССР)га бўйсунувчи корхоналар ва хўжалик ташкилотларини пул билан таъминлаш харажатлари;

б) республика (Ўзбекистон ССР)га бўйсунувчи муассасалар ва ташкилотлар томонидан маориф, фан, маданият, соғлиқни сақлаш ва физкультура ишини пул билан таъминлаш, пенсия ва нафақалар тўлаш ҳамда социал таъминот бўйича бошқа тадбирларни амалга ошириш учун сарфланадиган харажатлар;

в) Ўзбекистон ССР республика бюджетидан Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларини, судлар ва нотариал контораларни пул билан таъминлаш учун қилинадиган харажатлар;

г) Ўзбекистон ССР Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон ССР республика бюджетидан таъминланадиган бошқа тадбирларга қилинадиган харажатлар.

**36-модда.** Ушбу Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон ССР республика бюджети таркибида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг резерв фонди бўлиши кўзда тутилади.

**37-модда.** Ўзбекистон ССР республика бюджетида кўзда тутилган харажатлардан ташқари, планлаштирилаётган йил бошига келиб Ўзбекистон ССР республика бюджети ва маблағлари қолдиғи ҳисобидан касса оборотида нақд пул ҳосил қилинади.

Касса оборотидаги нақд пул миқдори Ўзбекистон ССР республика бюджетини тасдиқлаш вақтида белгилаб қўйилади.

Касса оборотидаги нақд пул йил давомида кассалардаги муваққат узилишларни қоплаш учун фойдаланилиши мумкин ва ўша йилнинг ўзидаёқ бюджетни тасдиқлаш вақтида белгиланган миқдор даражасида қайтадан тиклаб қўйилиши лозим.

**38-модда.** Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджетини, областлар ва Тошкент шаҳри бюджетларини ижро этиш чоғида кассаларда муваққат узилишлар пайдо бўлган тақдирда, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитетлари илтимосига биноан Ўзбекистон ССР республика бюджетидан ссудалар берилиб, бу ссудалар жорий йил учун белгилаб қўйилган муддатларда тўланиши лозим.

**39-модда.** Ўзбекистон ССР республика бюджетини ижро этиш вақтида қўшимча олинган даромадлар, шунингдек йил охирига келиб даромадларнинг ошириб бажарилиши ёки харажатларни тежаш натижасида ҳосил бўлган даромадларнинг харажатлардан ортиқча суммаси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ихтиёрида қолади ҳамда СССР ва Ўзбекистон ССР Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан халқ хўжалигини, социал-маданий тадбирларни ва бошқа харажатларни, шу жумладан капитал маблағларни ҳам пул билан таъминлаш учун сарфланади.

Давлат капитал маблағларини пул билан таъминлаш учун фойдаланилмай қолган республика бюджети бўйича пул маблағларини сарфлаш тартиби СССР Министрлар Совети томонидан белгиланади.

**40-модда.** Ўзбекистон ССР республика бюджети Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланган бюджетга мувофиқ Ўзбекистон ССР Молия министрлиги тузиб чиққан даромадлар ва харажатлар рўйхати бўйича ижро этилади.

**(Давоми 3-, 4-бетларда).**

# ОЗИҚ-ОВҚАТ РЕСУРСЛАРИ ИСРОФ БЎЛМАСИН!

## РЕСПУБЛИКАДА 20 ДЕКАБРЬ КУНИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ЯГОНА СИЁСИЙ КУННИНГ МАВЗУИ АНА ШУНДАЙ

1. Озиқ-овқат — Ер юзидаги одамлар ҳаётининг, инсоният тирикчилигининг моддий асосидир. Шу боисдан ҳам у хўжалик юритишнинг ҳал қилувчи негизи ҳисобланади. «Хўжаликнинг ҳақиқий асоси — озиқ-овқат фондидир, — деб уқтирган эди В. И. Ленин — ...Давлат ҳокимиятида бундай фонд бўлмаса, бу давлат ҳокимияти ҳеч нарсага арзимайди. Бундай фонд бўлмаса, социалистик сиёсат фақат орзу бўлиб қолади» (ТАТ. 42-том, 177-бет). Владимир Ильич қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кўпайтириш, унинг материал-техника базасини мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатган, ерни, озиқ-овқатларни, ҳар бир пуд ғаллани эҳтиётлаш ва кўз қорачиғидек асрашга чақирган, «ғаллани ва ғалла етиштиришни умумхалқ миқёсида, мукаммал суратда қаттиқ ҳисобга олиш ва контрол қилиш ишларини...» йўлга қўйишни, (ТАТ, 36-том, 210-бет). «...ҳамма ортиқча ғаллага халқ мулки деб қарасин...» деб талаб қилган эди. (Ўша том, 462-бет).

Ана шу ленинча кўрсатмаларга амал қилиб, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати совет экономикаси аграр секторини ривожлантириш бўйича таъсирчан тадбирларни амалга оширдилар. 1983 — 1984 йилларда мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш умумий ҳажми беш йилликнинг шундан олдинги икки йилига таққослаганда 22 миллиард сўмликка ёки 9 процентга кўпайди. Дон, картошка, қанд лавлаги, сабзавот ва мева етиштириш ва йиғиб олиш ўсди. Шу йиллар мобайнида ўртача йиллик гўшт етиштириш 9 процент, сут 8 процент, тухум 6 процент кўпайди. Шу йил плани бажарилишини ҳисобга олганда, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш 1982 йилги даражага нисбатан гўшт (тирик вазнда) бўйича 2,5 миллион тоннага, сут бўйича 9,2 миллион тоннага ва тухум бўйича 3,5 миллиард донага кўпаяди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши озиқ-овқат маҳсулотларини жон бошига истеъмол қилишга таъсир кўрсатди. Бу йил мазкур кўрсаткич аҳоли жон бошига ҳисоблаганда гўшт ва балиқ бўйича 78 килограммни, шу жумладан балиқ — 17,7 килограмм, сут—318 килограммни, тухум 260 донани, нон—134, картошка—110, сабзавот ва полиз маҳсулотлари—106, мева-чева — 46, қанд қарийб — 45 килограммни ташкил этади. Бу умумий калориялилик жиҳатидан СССРда озиқ-овқат истеъмол қилиш дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари даражасига тенг демакдир. Жон бошига гўшт ва мева истеъмол қилиш даражаси мамлакатимизда ҳозирча айрим мамлакатлардагига қараганда пастроқ ва овқатланишнинг белгиланган рационал нормаларидан бир оз камроқдир. Шу нуқтаи назардан қараганда гўшт етиштириш Озиқ-овқат программасини бажаришнинг энг долзарб бўғинидир. Бу борада биз орқадамиз.

Бошқа маҳсулотлар — сут, тухум, балиқ, қанд, сабзавот, картошка бўйича жон бошига истеъмол даражаси кам эмас, айрим маҳсулотлар бўйича эса бу даража кўпгина мамлакатлардагидан юқоридир. Бу жиҳатлар Озиқ-овқат программаси мўлжалларига мувофиқ келади ёки яқинлашиб боради. Аҳолининг нон ва нон-булка маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари кенг ассортиментда қондирилмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш борасида Ўзбекистонда ҳам кўп куч-ғайрат сарфланаётир. Кўпгина саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар ва районлар белгиланган планларни муваффақиятли бажармоқдалар. Бунга Наманган райони мисол бўла олади: район хўжаликлари пахта тайёрлаш бўйича беш йиллик плани ва якунловчи йил планини бажарибгина қолмай, 1985 йилда дон харид қилишни 1980 йилга нисбатан 1,5 марта, узумни — 4,2 марта, гўшт ва сутни —30 процентдан зиёд ўстиришни таъминладилар.

Бироқ сарфланаётган куч-ғайрат кутилган натижани бермаётир. Гўшт-сут саноати ва мева-сабзавот хўжалиги ҳамда бошқа тармоқларнинг корхоналарида истеъмол товарлари чиқаришни кўпайтириш ва хилларини кенгайтириш бўйича топшириқлар сурункасига бажарилмай келмоқда. Қишлоқ хўжалигида дон, мева ва сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш планларини бажариш таъминланмаётир. Бу, асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жон бошига истеъмол қилишнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунончи, 1984 йилда дон (гуручни ҳам қўшганда), картошка, сабзавот, гўшт (сўйилган вазнда) ва сут бўйича бу кўрсаткич камайди. Фақат тухум ишлаб чиқариш 1981 йилдаги 98 донадан 1984 йилда 104 тага етди.

Аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжлари республикада ўн иккинчи беш йилликда озиқ-овқат маҳсулотларини жиддий равишда кўпайтиришни долзарб масала қилиб қўймоқда. Асосий йўналишлар лойиҳасида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти ўртача йиллик ҳажмини 14—16 процент кўпайтириш, донни—3,2—3,5 миллион тонна, гўштни (сўйилган вазнда) —540 —560 минг тоннагача, сутни—3,3—3,5 миллион тоннагача, тухумни — 2,7—3,0 миллиард донагача етказиш мўлжалланмоқда. Боғдорчилик ва узумчиликни, сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштиришни жадал ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Бу вазифаларни экономиканинг аграр секторигина эмас, балки бутун агросаноат комплекси ҳам ҳал этиши керак. Зотан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш биргина қишлоқ хўжалигининг функцияси бўлмай қолди. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашнинг объектив тенденциялари, уни индустрлаштириш ва замонавий машина технологияларига ўтказиш агросаноат комплекси (АСК)нинг қарор топишига олиб келди.

Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳасида АСКнинг навбатдаги даврдаги асосий вазифалари белгилаб берилган. Бу вазифалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарор ривожланишига эришиш, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминлаш ҳамда СССРнинг Озиқ-овқат программасига мувофиқ юқори пировард натижаларга эришиш учун комплекснинг барча тармоқлари куч-ғайратини бирлаштиришдан иборатдир. Бунинг учун, КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигини индустриал негизга ўтказишни тугаллаш, ҳамма жойда хўжаликни юритишнинг илмий системасини, интенсив технологияларни жорий қилиш, ердан фойдаланиш ва унумдорлигини оширишни яхшилаш, барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини анча ўстиришга эришиш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барқарорлигини таъминлаш, унинг ноқулай табиий иқлим шароитларига мутеълигини камайтириш, етиштирилган ҳосилни исроф қилишга барҳам бериш зарур.

Қўйилган вазифаларни ҳал этиш агросаноат комплексининг барча бўғинларида ишлар натижадорлигини оширишда қанчалар самарага эришилишига, барча материал ва озиқ-овқат ресурсларидан оқилона фойдаланишга, ҳосилни йиғиштириш, дон, сабзавот, мева, узумни ташиш ва сақлашда, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш жараёнидаги исрофгарчиликларни кескин камайтириш ва пировардида бунга бутунлай барҳам берилишига бевосита боғлиқдир.

Яқинда КПСС Марказий Комитетида ишчиларнинг Бутуниттифоқ сиртқи мажлислари давомида иқтисод ва тежамкорлик, ишлаб чиқаришда интизом ва тартибни мустаҳкамлаш масалалари бўйича меҳнаткашлар ўртага ташлаган таклифлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Қабул қилинган қарорда ресурсларни нормалаштириш, уларни сарфлашда қатъий ҳисоб-китобни жорий қилиш ва барча бўғинларда иқтисод режимига риоя этишда меҳнат коллективлари роли ғоят муҳимлиги таъкидланди. Ҳозир ҳамма жойда съездолди ҳужжатларини ўрганиш ва тушунтириш давом этаётган бир пайтда меҳнат коллективлари хусусидаги бу қоидаларни амалга оширишнинг қулай имкониятларидан самарали фойдаланиш керак. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябрь Пленумидаги докладида М. С. Горбачев уқдирганидек, «Меҳнат коллективи, унинг бошланғич бўғинлари—участка ва бригада, ферма ва лаборатория съездолди ҳужжатларини ўрганиш ҳамда тушунтириш соҳасидаги барча ишларнинг маркази бўлиб қолиши лозим. Бу ерда ишларимиз тўғрисида, ғоят катта резервларни ишга тушириш, ресурслардан тежаб-терғаб фойдаланиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳақида, илғорлар тажрибасини оммалаштириш тўғрисида амалий суҳбатни авж олдириб юбориш керак».

Партиянинг озиқ-овқат ресурслари исроф бўлмаслигини таъминлаш тўғрисида қайғураётгани кўп жиҳатдан шу билан изоҳланадики, қишлоқ хўжалик хом ашёсидан норационал фойдаланиш, етиштирилган ҳосилнинг анчагина қисми исроф бўлаётгани оқибатида озиқ-овқат ресурсларини кўпайтириш имкониятлари сезиларли даражада камаймоқда.

2. Ҳозирги шароитларда КПСС Марказий Комитети нонга, бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган муносабатни кескин ўзгартиришга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларини ривожлантиришга кетаётган сарфлар самарадорлигига алоҳида эътибор бермоқда.

Мамлакатимиз аҳолиси ҳозир нон маҳсулотлари билан тўла, ҳатто ортиқ даражада таъминланмоқда. Лекин бу бизга дон қандай қийинчиликлар билан етиштирилишини, уни ўстириш, ўриб-йиғиш, ташиш ва омборларда сақлаш қанчалар куч-ғайрат талаб қилишини эсдан чиқариш ҳуқуқини бермайди, асло. Қишлоқ меҳнатчилари дон етиштириш учун жуда кўп жисмоний ва маънавий куч сарфлайдилар, не-не машаққатларни енгадилар. Уни биз, истеъмолчилар осонгина қўлга киритамиз. Айтингчи, қайси маҳсулот ёки аҳамияти жиҳатидан нонга ўхшаш қайси неъмат шунақанги арзон туради? Арзон, ҳамма харид қила оладиган нон—социализмнинг буюк ғалабаларидан бири ва биз бу билан фахрланамиз. Аммо, ҳамма харид қила оладиган ана шу неъматга баъзан калтафаҳмларча, ҳатто менсимай, илтифотсиз муносабатда бўлинмоқда.

Совуққонлик, камҳафсалалилик, пала-партишлик ва бошқа сабаблар билан ташиш, сақлаш ҳамда сотиш вақтида анчагина дон ва ун нестнобудга чиқиб кетмоқда. Кўпинча нон тайёрланадиган корхоналарда ун сарфлаш нормалари чегарасидан чиқиб кетилади. Савдо ва транспорт ходимлари етарли даражада жонкуярлик қилмайдилар — кўпинча буханкалар магазинларга етиб келгунича суви қочиб қолади, оби нонлар берч тортади, натижада улар сотилмай қолиб, исроф бўлади. Корхоналарда нон сифатини яхшилаш ҳисобига иқтисод қилишнинг анчагина резервлари бор. Баъзан нон куйдириб юборилади ёки хомсиз чиқади. Шу йили назорат қилувчи органлар текширган нон миқдорининг Термиз нон комбинатида — 25, Навоий нон заводида — 23, Янгийўл нон заводида —40 проценти, Бухоро нон комбинатида эса текширилган noнининг ҳаммаси брак қилинди. Савдо ташкилотлари республика нон заводларига ҳар йили минг тоннадан ортиқ қотиб қолган нон-булка маҳсулотларини қайтариб юборадилар.

